

473 - сон билан
рўйхатга олинди

“Асака” банки (ОАЖ)
Бошқарувининг
2012 йил 26 январдаги
20- сонли Баённомаси билан

“ТАСДИҚЛАНДИ”

**“АСАКА” ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИҚ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)НИНГ
БАНК ТАВАККАЛЧИЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
БОШҚАРМАСИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438–сонли “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори, “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 14/2 сонли Марказий Банки Бошқарувининг Низоми ва Марказий Банкнинг бошқа меъёрий ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти) Банк таваккалчилигини назорат қилиш Бошқармаси (кейинчалик матн бўйича – “Бошқарма”)нинг мақсади, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

1.3. Бошқарма ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатларига, “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти) (кейинчалик матн бўйича – “Банк”)нинг бошқа ички ҳужжатларига ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилади.

II. БОШҚАРМА ТАРКИБИ

2.1. Бошқарма Банкнинг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бевосита Банк Бошқаруви Раисига бўйсунди.

2.2. Бошқармага Бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади, Бошқарма Бошлиғини ишга қабул қилиш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш Банк Бошқаруви Раиси Буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

2.3. Бошқарма бошлиғи иш жойида бўлмаган тақдирда унинг лавозим мажбуриятларини бошқарма бошлиғи ўринбосари бажаради.

2.4. Бошқарманинг таркибий бўлинмалари фаолияти белгиланган мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

2.5. Бошқарма таркибий бўлинмалари фаолиятини Бошқарма бошлиғи назорат қилади.

2.6. Бошқарма ёки Бошқарма таркибини қайта ташкил қилиш ва тугатиш, Банк Бошқаруви Раисининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

2.7. Бошқарма таркиби ва штат жадвали Банк Бошқаруви Раиси томонидан тасдиқланади.

2.8. Бошқарма қуйидаги бўлинмалардан ташкил топган:

- Кредит таваккалчилигини бошқариш бўлими.
- Бозор таваккалчилигини бошқариш бўлими.
- Операцион таваккалчиликни бошқариш сектори.

2.9. Мазкур Низом ўз ичига қуйидагиларни олади: Бошқарманинг таркибий тузилмаси (илова №1); Бозор таваккалчилигини бошқариш бўлими тўғрисидаги Низом (илова №2), Кредит таваккалчилигини бошқариш бўлими тўғрисидаги Низом (илова №3), Операцион таваккалчиликни бошқариш сектори тўғрисидаги Низом (илова №4), Банк таваккалчилигини назорат қилиш Бошқармаси бошлиғининг лавозим йўриқномаси (илова №5), Банк таваккалчилигини назорат қилиш Бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг лавозим йўриқномаси (илова №6).

III. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Бошқарманинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш;
- банк таваккалчиликларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш;
- банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлаш.

3.2. Юқоридаги мақсадларга эришиш учун Бошқарма қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

3.2.1. Барча турдаги Банк таваккалчиликларини бошқариш юзасидан Банк сиёсатини ишлаб чиқиш.

3.2.2. Банк таваккалчиликларини назорат қилиш юзасидан методика, низом, йўриқнома ва ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

3.2.3. Банк операцияларини амалга оширишда таваккалчиликларни самарали бошқариш мақсадида Банкнинг барча таркибий бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

3.2.4. Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва Ҳалқаро Молия Институтлари томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга амал қилинишини назорат қилиш.

IV. ФУНКЦИЯСИ

4.1. Банк томонидан актив операцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган бозор таваккалчиликлари ва операцион таваккалчиликларни салбий таъсирини пасайтириш мақсадида аниқлаш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва самарали бошқариш;

4.2. Банклараро бозор ва суғурта компаниялари билан амалга ошириладиган операцияларда юзага келадиган кредит таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш;

4.3. Таваккалчиликни таҳлил қилиш асосида, Банк бизнес – режасида ўрнатилган молия кўрсаткичларига эришиш, Банк фаолиятини